РАНГ-БАРАНГ ТЕМИРАТКИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ИММУН ТИЗИМИ ВА ИЧАК МИКРОБИОЦЕНОЗИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Эшбоев Э.Х.[1], Махсудов М.Р[2]
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент шаҳри

DOI: 10.67620/dermajournal.1730029

Долзарблиги. Ранг-баранг темиратки (pityriasis versicolor) тери замбуруғли касалликларидан бири бўлиб, унинг қўзғатувчиси *Malassezia spp.* ҳисобланади. Касалликнинг ривожланиши ва узоқ давом этишида иммун тизими ҳолати ҳамда ичак микробиоценозининг бузилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. Ранг-баранг темиратки билан оғриган беморларда ичак микробиоценози бузилиш даражасига боғлиқ равишда иммун тизимидаги ўзгаришларни ўрганиш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотда 18–45 ёшдаги ранг-баранг темираткининг турли клиник шакллари билан оғриган 33 нафар бемор кузатилди. Иммун тизими ҳолатини баҳолаш мақсадида CD3, CD4, CD8, CD19/CD20 ва CD16 кўрсаткичлари, шунингдек IgA, IgM, IgG ҳамда қондаги айланувчи иммун комплекслар ўрганилди. Ичак микробиоценозини баҳолашда йўғон ичак микрофлорасининг миқдорий ва сифат таркиби текширилди.

Натижалар. Беморларда назорат гуруҳига нисбатан CD3 ва CD4 ҳужайралари миқдори ишончли камайиши, CD8 ва CD19 ҳужайралари эса ортиши аниқланди. Иммунорегулятор индекс қарийб 1,8 марта пасайган. Шу билан бирга, IgG ва айланувчи иммун комплекслар миқдори ошиши, IgA даражаси эса пасайиши кузатилди. Бу ўзгаришлар ҳужайравий иммунитет фаоллигининг пасайиши ва гуморал иммунитетдаги ўзгаришларни кўрсатади. Текширилган 33 нафар беморнинг **25 нафарида (75,8%) ичак дисбактериози** аниқланган. Жумладан, I даражали дисбактериоз 30,3%, II даражали — 27,3%, III даражали — 18,2% беморларда кузатилган. Фақат 24,2% беморда дисбиотик ўзгаришлар аниқланмаган.

Иммун тизимидаги ўзгаришлар ичак дисбактериози оғирлик даражаси билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланган. Айниқса, II–III даражали дисбактериозда CD3 ва CD4 миқдорининг камайиши, CD8 ва CD19 кўрсаткичларининг ортиши яққол намоён бўлган. Дисбактериоз оғирлашган сари IgG ва айланувчи иммун комплекслар даражаси ҳам ортиб борган.

Хулоса. Ранг-баранг темиратки билан оғриган беморларда иммун тизимидаги бузилишлар ичак дисбактериозининг оғирлик даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Шу сабабли ушбу касалликни даволаш тактикасини белгилашда беморнинг иммунологик ҳолати билан бир қаторда ичак микробиоценози ҳолатини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.